

“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“Андижон ХЭТК” акциядорлик
жамияти барча овоз берувчи акциялари
ягона акциядорининг 2020 йил
“ 17 ” январдаги
2-сонли қарори билан**

**“Андижон ХЭТК” АЖ барча овоз
берувчи акцияларининг ягона акциядори
“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг
вакили**

А.М.Файзуллаев_____

2020 йил “ 17 ” январ

М.Ў.

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

**Ўзбекистон Республикаси Капитал
бозорини ривожлантириш агентлиги
Андижон вилоят худудий бошқармаси
бошлиғи**

А.Носиров_____
(рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатли шахсининг
Лавозими, Ф.И.Ш., имзо)

2020 йил “ 28 ” 01

ВО321-6 - сон

М.Ў.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор.

**“АНДИЖОН ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ”
акциядорлик жамияти.**

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|----------------------------|----------|----------|----------|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
| Идентификация рақами оддий | Р | Н | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| акцияларга берилди: | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

Ҳар бирининг номинал қиймати 5000 сўм бўлган 9 770 869(тўққиз миллион етти юз етмиш минг саккиз юз олтмиш тўққиз) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз оддий акциялардан иборат.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши 6(олтинчи) чиқарилишдир.

Тасдиқланган: “Андижон худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ барча овоз берувчи акцияларининг ягона акциядорининг 2020 йил _17 январдаги 2-сонли қарори.

“Андижон худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ барча овоз берувчи акцияларининг ягона акциядорининг 2020 йил _17_ январдаги 2-сонли қарори асосида.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, электрон почта манзили ва мулоқот телефонлари:

710000, Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, А.Ҳайдаров кўчаси, 53-уй,
телефон: (74) 228 48 44, электрон почта: andijonabt@inbox.uz

Эмитентнинг раҳбари:

А.А.Жўраев

Бош бухгалтер:

Л.С.Юлдашев

Мухр

2020 йил «_17_» январ

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий**;
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: хужжатсиз эгасининг номи ёзилган;
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **5000(бешминг) сўм**;
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **9 770 869 (тўққиз миллион етти юз етмиш минг саккиз юз олти тўққиз)дона**;
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **48 854 345 000(қирқ саккиз миллиард саккиз юз эллик тўрт миллион уч юз қирқ беш минг) сўм**;
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Акциядорлар:

Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
депо ҳисоб варағидан ўзига тааллуқлик кўчирма олиш;
жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улшга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.
Шунингдек акциядорлар қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставида чеклашлар мавжуд эмас.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар, Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2019 йилдаги 899-Ф-сонли фармойиши ва “Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти барча овоз берувчи оддий акциялари акциядорининг 2019 йил «__» декабрдаги 2-сонли қарорига асосан ёпиқ обуна усулида «Худудий электр тармоқлари» АЖга жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **8 807 930 000 (саккиз миллиард саккиз юз етти миллион тўққиз юз ўттиз минг) сўм**;

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

1 728 936(бир миллион етти юз йигирма саккиз минг тўққиз юз ўттиз олти) дона хужжатсиз оддий акциялар ва 32 650(ўттиз икки минг олти юз эллик) дона хужжатсиз имтиёзли акциялар.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):

(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2019 йилдаги 899-Ф-сонли фармойишига асосан ёпиқ обуна усулида «Худудий электр тармоқлари» АЖ ҳисобига жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштирилишини бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштирилиш муддатини белгилаш тартиби.

Агар акцияларни жойлаштирилиш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)

Ушбу чиқарилишдаги акциялар, жамият давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштирилишни бошлаш санаси: Акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган сана.

Акцияларни жойлаштирилишни тугатиш санаси: Ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган сана, лекин акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган санадан 365 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштирилиш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштирилиш эмитентга акцияларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охириги томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)

Ушбу чиқарилишдаги акциялар “Андижон худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ ва “Худудий электр тармоқлари” АЖ ўртасида биржадан ташқари уюлмаган бозорларда тўғридан-тўғри битим тузиш ва Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришга андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Жамият акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобини юритиш, Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилади.

Марказий депозитарий ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси давлат корхонаси;

Ташкилий ҳуқуқий шакли: Давлат унитар корхонаси;

Жойлашган жойи- 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шохкўчаси 107 уй;

Почта манзили - 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шохкўчаси 107 уй;

телефон: 8(371)267-37-42, **Факс:** 8(371)267-36-87. **e-mail:** info@deponet.uz, **вэб манзили:** www.deponet.uz.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.)

Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.)

Ушбу чиқарилишдаги акциялар 5000 сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2019 йилдаги 899-Ф-сонли фармойишига биноан “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан “Андижон худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖустав капиталига йўналтирилган 48 854 346 260,0 сўм сўмлик маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташиқлотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисоб варақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда.)

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топишириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда жамият томонидан ўн кунлик муддатда акциялар учун ўтказилган тўлов воситалари белгиланган тартибда қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ошкор қилинади.

Акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги қарор асл нусхаси билан барча манфаатдор шахслар Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, А.Ҳайдаров кўчаси, 53-уй манзилида танишиши мумкин.

13. Бошқа маълумотлар.

Кўзда тутилмаган.